

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚАХҲОР УЙ-МУЗЕЙИ

МАРҲАБО ҚЎЧҚОРОВА

«ЎТМИШДАН
ЭРТАКЛАР»
ТАДҚИҚИ

*Болалик
Хотира
Бадий тўқима
Образ
Ҳаётини асос*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ – 35

Қўчқорова, Марҳабо

“Ўтмишдан эртақлар”: Монография: талқин ва тадқиқ /
Марҳабо Қўчқорова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 144 б.

ISBN 978-9943-27-819-6

Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа асарлари қатори “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси ҳамон китобхонлар томонидан сеvиб мутолаа қилинади. Бу асар нима ҳақда? Ёзувчи уни ёзганда ўз олдига қандай мақсадлар қўйган? Айнан шу ва яна бошқа кўплаб саволларга мазкур монографияда жавоб топишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқот адабиётшунос, матншунос, умуман, ёзувчи ижоди билан қизиққан мухлисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Отабек ЖЎРАБОВ,

филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Усмонжон ҚОСИМОВ,

филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур китоб Ф-1-ФҚ-0-55213 «Абдулла Қаҳҳор дастхат қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қиесий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш» ва А-1-059 «Абдулла Қаҳҳор Истиқлол адабий кўзгусида» мавзуидаги тадқиқот грантлари доирасида амалга оширилди.

ISBN 978-9943-27-819-6

© Марҳабо Қўчқорова, «Ўтмишдан эртақлар»: Абдулла Қаҳҳор уй-музеи, 2016 йил.

© Марҳабо Қўчқорова, «Ўтмишдан эртақлар». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ЭЗГУ ҚИССАНИНГ ЯНГИЧА ТАДҚИҚИ

Баъзи ижодкорлар том маънода бахтли бўлишадди. Назаримда бу бахт уларнинг ижодига китобхону тадқиқотчиларнинг мурожаати билан ортиб ёки камайиб қолмайди. Бироқ, бу жиҳат ана шу бахтнинг чин эканлигини сўзсиз ва шубҳасиз тасдиқ этади. Мумтоз адибларимиз ўз номи билан мумтоз (сайланган)дирлар. Ўтган асрдаги адабиётимиз улуғларидан бир қанчасини, хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорни (1907 – 1968) ҳам мумтоз сиймолардан бири дея камоли қониқиш ила айтиш мумкин.

Ёзувчи тириклик вақтидаёқ унинг ижоди хусусида мақолалар ёзилар ва тадқиқотлар олиб борилар, деярли ҳар бир асари ўта қизиқиш ва шов-шув билан қарши олинар, унинг ҳар бир чиқиши эса интиқлик ва илинж билан кутиларди...

Худди шунингдек, муаллифнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссаси ҳам китобхонлар ва адабиёт аҳли тарафидан қизгин кутиб олинди. Бир неча авлод бу асарни севиб мутолаа қилди, айрим тадқиқлар ҳам яратилди. Бироқ ҳозирги ХХI аср авлоди уни қандай қабул қилади? Қай тахлит ўқиб тушунади? Нима хулосаларга келади?..

ХХ аср ўзбек насрининг ёрқин намуналаридан бўлмиш мазкур қисса кўп жиҳатдан муаллифнинг бошқа асарларидан фарқ қилади. Биринчи галда қисса автобиографик характерда бўлиб, маълум маънода адабий-тарихий қийматга ҳам эга. Қола-

верса, асарнинг қўлами, гоёси, бадиияти, тили ва ёзилиш усули кўплаб тадқиқотларга муносиб манба бўлиб хизмат қила олади.

Асар 1965 йил ёзиб тугатилган. Ҳарқалай қиссанинг қўлёзма (дастхат-автограф) нусхалари охирига шундай қайд этилган (А.Қаҳҳор уй-музейи фонди, 3297 рақамли қўлёзма. “Ўтмишдан эртақлар”нинг “Қўқон харобалари орасида” ҳикояси). Китоб ҳолидаги илк нашрда ҳам шу сана кўрсатилган¹.

Бироқ ёзувчи қиссага тайёргарликни анча олдин бошлаган ва унинг дастлабки чизгиларини 1950 йилларнинг охири – 1960 йилда тайёрлайди; қаҳрамонлар-образлар, иштирокчилар ким бўлиши, воқеалар тизими қаердан бошланиб, қаерда тугаши ва ҳатто кичик деталаргача ҳисоб қилиб чиққан. Бунга оид бир неча ҳужжатлар ҳам адиб уй-музейи архивида бор. Айтайлик, 3640, 3656, 3657, 3731, 3733 рақамли дафтар-блокнотларда мазкур қисса учун турли материаллар ва қайдлар сақланиб қолган. Ундан ташқари, қиссанинг бизгача етиб келган уч қўлёзма вариантнинг жами 418 varaқдир. Демакки, ёзувчининг ушбу асари устида асл матн ва мавжуд қўлёзма материалларга таянган ҳолда янада кенгроқ ва илмий холисроқ тадқиқлар яратиш мумкин. Бу эса кун тартибидаги муҳим ва зифалардан эди.

Ўзининг зийрак кузатишлари билан адабиёт оламига яхши таниш бўлиб бораётган филология фанлари номзоди Марҳабо Қўчқорова айнан ана шу жиҳатни кўзда тутди ва бу борадаги адабий-назарий қарашларини ўртага ташлайди. Зулм ва инсоний мутеликни қоралаган адибнинг ушбу эзгу қиссаси ҳақида у ўз фикру мулоҳазаларини баён этиш орқали, ёш авлод адабий-эстетик дидининг очили-

¹ Абдулла Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар. Саргузашт қисса. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1966.

шига туртки бўлишни адабиётшуносликнинг вази-
фаси эканлигини ҳам назардан қочирмайди.

“Ўтмишдан эртақлар” қиссаси Абдулла Қаҳҳор
ижодий меросида муҳим ўрин тутади. Шу жиҳат-
ни кўзда тутган монография муаллифи асар таҳ-
лили мисолида ўз қарашу фикрларини билдириш,
аниқроғи, қисса матнини тадқиқ ва талқин қилиш-
га жазм этади.

Талқин қилишнинг услуби эса талқинлаш усу-
ли ичида шаклланади. Вақт ўтиши билан тур-
фа талқинлар пайдо бўлади. Талқин илми эса бир
матннинг маъносини ўз заминида очиқлаш та-
мойил (принцип)ларини юзага келтиради. Худди
шунингдек, XX асрда ҳам кўплаб бадий асарлар
тадқиқ этилди, турфа талқинлар ва таҳлиллар эъ-
лон қилинди. Жумладан, бадий наср намуналари
бўлмиш қиссалар ҳам...

Тадқиқ доирасига тортилган қисса, аввало, нега
ва қандай ёзилди, бадий битик сифатида мақ-
сад-муддаосини бажара олдимиз, тарзидаги савол-
лар кўндаланг турар эди. Бир неча адабиётшунос-
лар ушбу асар юзасидан, фикр-мулоҳазаларини
баён этган ҳолда, қиссани ўрганар ва таҳлил қилар
экан, яна ўшанча фикр-мулоҳаза ўртага ташлани-
ши, ҳаттоки баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши ҳам
мумкин. Яъни, қанча кўп олим ўрганса ва фикр
билдирса, ана шунча талқин юзага келаверади.

Албатта, мутлақ ҳақиқий талқин ва мукамал
таҳлил меники, деган гапни ҳеч бир мунаққид айта
олмайди. Сабаби, муаллифнинг ўзичалик ҳеч ким
асарнинг ёзилиш сабаби, мақсади ва моҳиятини
тўла даражада тушунтириб бера олмайди. Фақат
асар матнидан ёки ёзувчининг фикрларидан ке-
либ чиққан ҳолдагина талқин этиш мумкин, хо-
лос. Одатда муаллифи вафот этиб кетган асарлар
юзасидан шундай ҳукм қилинади. Сўзимиз мавзуи

бўлган қисса ҳақидаги таҳлил ва талқинлар кўп бўлиши мумкин. Бироқ талқиннинг ҳам талқиндан фарқи бор...

Мазкур тадқиқот давомида эса қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган ва шу орқали айрим адабий-назарий қарашлар, илмий-хулосавий кузатишлар баён этилган:

- Асарнинг ўрганилиш тарихи қандай?
- Қиссадаги образлар қай тариқа яратилган ва уларнинг прототиплари кимлар?
- Асарда бола ва болалик мотиви масаласи нечоғлик акс этган?
- Ёзувчининг образ ва характер яратишдаги маҳорати қайси ўринларда кўринган?
- Асарда акс этган муаллиф хотираси ва бадиий тўқимаси тарихий воқеликка уйғунми?
- Қисса қўлёзма ва нашрлардаги таҳрирлар нимадан иборат? Бу борада матншуноснинг вазифаси нима?

М.Қўчқорова адабиётшунос сифатида ўз ёндашуви ва таҳлил услубига эга олима. Бу ўринда ҳам унинг масалага қараши, муаммо ечимини очишга интилиши кўп ўринларда ўзини оқлайди. Айниқса, асардаги қаҳрамонлар ва етакчи образларнинг генезисини аниқлаши, қиссадаги болалик мотиви масаласини муаммо даражасида кўтариб чиқиши қизиқарли таҳлилларни бера олган. Олима кўпроқ муаллифнинг образ яратиш маҳорати ва буни асар матнида қай даражада акс этганига эътибор қаратган.

Бироқ бошқа масалаларни янада кенгроқ қамраб олиш ҳам мумкин эди. Назаримда таъкидланган жиҳатларнинг ўзиёқ бир қисса таҳлили учун, етарли материал бера олган. Бу каби тадқиқларни тўлалигича амалга ошириш учун эса, аввало, асарнинг саҳиҳ матни – илмий-танқидий матн зарурлигини

ҳам олима тўғри англаган. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан тайёрланган қиссанинг илмий-танқидий матни эса қўлингиздаги янги тадқиқот учун айнан муносиб манба вазифасини ўтаганидан мамнунмиз. Зероки, танқидий матнлар ҳар қандай асарнинг бадиий оламига теранроқ ва чуқурроқ кириб бориш учун энг ишончли асос эканлиги маълум ҳақиқат.

Бир сўз билан айтганда, тадқиқот ўз олдига қўйган мақсад-муддаосини бажара олган. Барча тилак ва мақсад эса эзгу – **Абдулла Қаҳҳор феномени** XX аср ўзбек адабиётида қай тариқа намоён бўлганини тадқиқ доирасига тортилган қисса таҳлили ёрдамида кўрсатиб беришга ҳаракат қилинганидир. Натижада эса қўлингиздаги ўзига хос, изчил ва яхлит тадқиқот юзага келган. Ундан қандай хулоса чиқариш эса китобхон ҳукмига ҳавола.

ОТАБЕК ЖЎРАБОВ

*Тошкент,
29 март, 2016 йил.*

МУҚАДДИМА
ёхуд
“ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР” ҚИССАСИНИНГ
ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Абдулла Қаҳҳорнинг “Қишлоқ ҳукм остида” (1932), “Қотилнинг туғилиши” (1933), “Олтин юлдуз” (1944), “Синчалак” (1959), “Муҳаббат” (1968), “Зилзила” (тугалланмай қолган) каби қиссалари орасида “Ўтмишдан эртақлар” (1965) алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, “Ўтмишдан эртақлар” асари ўзининг ҳам бадиий, ҳам автобиографик характери, ўзбек халқининг XX аср бошидаги мушкул ижтимоий-маиший ҳаёти, жаҳолатга ботган руҳоний дунёсини ҳаққоний ёритганлиги туфайли ёзувчи қиссаларининг чўққисидир. Асар 1965 йили матбуотда чоп қилинган бўлиб, 1966 йилда Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти билан тақдирланган. Қисса бадиияти пишиқ-пухталигига қарамасдан, адабиётшуносларимиз томонидан кам ўрганилган. Тўғри, “Ўтмишдан эртақлар” ҳақида таниқли олим ва адиблар, жумладан, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Владимирова, Н.Худойберганов, У.Норматов, П.Қодиров, Б.Назаров, А.Аъзам, С.Қуроновлар ўз монография ва мақолаларида тўхталишган². Матншунос О.Жўрабоев эса илк

² Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. 31-51-бетлар; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. 238-239-бетлар; Норматов У. “Ўтмишдан эртақлар” ва абсурд / Устоз ибрати. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. 24-30-бетлар; Владимирова Н. Ўзбек ҳикояларида гоё ва образ. – Тошкент: Фан, 1969. 5-40-бетлар; Назаров Б. «Сказки о былом» / Абдулла Каххар и его художественный мир. – Ташкент: Фан, 1989. С. 107-117; Кадиров П. От первых рассказов до «Сказок о былом» / Абдулла Каххар и его художественный мир. – Ташкент: Фан, 1989. С. 27-44; Аъзам А. Мансур дард / Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор. – Тошкент: Тамаддун, 2013. 69-95-бетлар; Қуронов С. “Ўтмишдан эртақлар” қиссасининг юраги / Ифода ва ифодавийлик. – Тошкент: Академнашр. 2013. 28-33-бетлар.

маротаба қисса қўлёзмалари асносида илмий-танқидий матн тузилиши мисолида, асарга матншунослик нуқтаи назаридан тўхтаган³.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, “Ўтмишдан эртақлар” қаҳҳоршунослик соҳасида, умуман, адиб ижоди ҳақида нимадир қоралаган тадқиқотчилар томонидан у қадар чуқур таҳлил этилмаган. Янги, ўзбек адабиётшунослиги бу қиссага бошқачароқ, янгича, соғлом назар билан боқиб, бугунги кун китобхонига таҳлил ва талқин қилиб бериш вақти келди.

Абдулла Қаҳҳор асарларининг россиялик таржимони Константин Симонов Комрон Ҳакимов билан ҳамкорликда “Ўтмишдан эртақлар” қиссасини рус тилига ўгириб, “Сказки о былом” номи билан 1970 йили Москвада “Советский писатель” нашриётида 30.000 нусхада чоп этиришади⁴. Мазкур нашрга К.Симоновнинг кириш сўзи ёки сўнгсўзи илова этилмаган. Аммо Абдулла Қаҳҳор вафотидан сўнг Москвада нашр этилган икки жилдлик сайланма К.Симоновнинг кириш сўзи билан очилади. Бу мақола “Абдулла Қаҳҳор ҳақида сўз” деб аталади. Муқаддима сўз Абдулла Қаҳҳорни яқиндан билган, узоқ йиллар ҳамкорлик қилган, ҳатто адибнинг сўнгги кунларига ҳам гувоҳ бўлган киши тилидан ёзилгани учунми ниҳоятда самимий. Муаллиф “Ўтмишдан эртақлар” ҳақида шундай дейди: “Ўзининг шахсий ҳаётини тажрибаси мисолида мамлакатини ва халқини босиб ўтган йўлнинг нақадар улкан эканини яхши билган, бизнинг кўзимизга қанчалар оғир ва ҳатто фожиали бўлиб кўринмасин, бу ўтмиши-

³ О.Жўрабоев. “Ўтмишдан эртақлар”нинг қўлёзмалари ва илмий-танқидий матнининг тузилиши ҳақида / Китобда: “Ўтмишдан эртақлар” қиссасининг илмий-танқидий матни ва илк варианты. – Тошкент: Tamaddun, 2011. 3-8-бетлар.

⁴ А.Каххар. Сказки о былом. – Москва: Советский писатель, 1970. С. 152.

ни эслашдан чўчимаслик учун келажакка қаттиқ ишонган одам умрининг охирида ўзининг болалиги ва ўсмирлиги ҳақида китоб ёзди”⁵.

Дарвоқе, Абдулла Қаҳҳор ва Константин Симоновнинг адабий-ижодий дўстона муносабатлари ҳақида Н.Г. Гараевнинг мақоласи Э.Каримов таҳрири остида чоп этилган “Абдулла Қаҳҳор ва унинг бадиий олами” китобида босилган⁶. К.Симонов Ўзбекистонда икки ярим йил яшаб, кўплаб ўзбек шoir-ёзувчилари билан дўст тутинади, шунингдек, ўзбек халқининг яшаш тарзи, миллий урф-одатлари, удумлари билан яқиндан танишади. У ўзбек адабиётининг Россиядаги фидойи таржимони сифатида Алишер Навоий, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Фулом, Зулфия, Мамарасул Бобоев шеърларини рус тилига ўтирган. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг икки қиссаси, яъни “Синчалак”, “Ўтмишдан эртаклар” ва “Тобутдан товуш” комедиясини рус тилига таржима қилган. “Ўтмишдан эртаклар”нинг таржима жараёни пайтида мутаржимнинг адибга 1967 йил 9 август санаси билан йўллаган мактуби адиб уй музейида сақланмоқда. Шу мактуб матнини эътиборингизга ҳавола этамиз:

“Дорогой Абдулла Каххарович!

Я перевел главу из Ваших “Сказки о былом” – “Господь бог”. Выбрал именно ее, потому что она пока-

⁵ Симонов К. Абдулла Қаҳҳор ҳақида сўз / Адабиётимиз фахри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 6-бет. Мазкур мақола ўзбек тилига ўгирилиб, “Абдулла Қаҳҳор замондошлар хотирасида” ҳамда “Адабиётимиз фахри” тўплам китобларига киритилган. Биз шу нашрлардаги таржимадан фойдаландик. Таржимон Олим Отахон.

⁶ Гараев Н.Г. Константин Симонов и Абдулла Каххар / Абдулла Каххар и его художественный мир. – Ташкент: Фан, 1989. С. 160-169.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2034> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2034> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2034>